

НАВЛАР

СУМБУЛА

Эртапишар нав, ўсув даври 110 кун. Ҳосили апрелнинг иккинчи ярми, майнинг биринчи ўн беш кунлигида пишиб етилади. Пиёзбоши юмалоқсимон, қобиғи сариқ ранг, эти оқ, серсув, тиғиз, вазни 100-125 г. Таркибида қуруқ модда миқдори 11,4%, Ҳосилдорлиги 40-45 т/га. Эрта кузда августнинг иккинчи ва сентябрнинг биринчи ярмида экишга яроқли. Уруғ ҳосилдорлиги 0,6-0,8 т/га.



ОҚ ДУР

Эртапишар нав, ўсув даври 110 кун. Ҳосили апрелнинг иккинчи ярми, майнинг биринчи ўн беш кунлигида пишиб етилади. Пиёзбоши юмалоқсимон, қобиғи оқ рангли, эти- оқ, серсув, тиғиз, вазни – 100-125 г. Таркибида қуруқ модда миқдори – 12,3%, ҳосилдорлиги 38-43 т/га. Эрта кузда августнинг иккинчи ва сентябрнинг биринчи ярмида экишга яроқли. Уруғ ҳосилдорлиги 0,7-0,85 т/га.



ЗАФАР

Ўртапишар нав, ўсув даври – 138-143 кун. Пиёзбоши юмалоқсимон, қобиғи бинафшаранг, эти оч бинафшаранг, серсув, тиғизлиги ўртача, вазни 130-150 г. Таркибида қуруқ модда миқдори 13,9%. Ҳосилдорлиги 40-45 т/га. Баҳорги ва тўқсонбости муддатларда экилади. Уруғ ҳосили 0,8-0,9 т/га.



ИСТИҚБОЛ

Ўртапишар нав, ўсув даври 133-143 кун. Пиёзбоши узунчоқ тухумсимон, қобиғи сариқ рангли, эти оқ, юпқа, кам уяли, салатбоп,

қишга сақланиши яхши, вазни 100-130 г. Пиёзбоши етилганда тупроқдан ярим кўтарилиб туради. Таркибида қуруқ модда миқдори 13,9%. Ҳосилдорлиги 45-50 т/га. Баҳорги ва тўқсонбости муддатларда экишга яроқли. Уруғ ҳосилдорлиги 0,9-0,95 т/га.



КАБА 132

Кечпишар нав, ўсув даври 150-160 кун. Пиёзбоши юмалоқсимон ёки чўян қозонсимон, устки қисми кенг, илдизга яқинлашган сари ингичкалашиб боради, қобиғи- сариқ, эти оқ, тиғизлиги ўртача, вазни 80-100 г, дегустацион баҳоси ярим аччик. Таркибида қуруқ модда миқдори 8,9%. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Уруғ ҳосилдорлиги 0,8-0,9 т/га.




МАРҒИЛОН МАҲАЛЛИЙ

Кечпишар нав, ўсув даври 150-160 кун. Пиёзбоши тухумсимон, баъзан сигаретсимон, қобиғи оқ рангли, эти оқ, жуда майин, серсув, тиғиз эмас, вазни 80-100 г, дегустацион баҳоси ширин. Ҳосилдорлиги 29-31 т/га. Уруғ ҳосилдорлиги 0,7-0,8 т/га.



САМАРҚАНД ҚИЗИЛИ 172

Кечпишар нав, ўсув даври 150-160 кун. Пиёзбоши ясси-юмалоқсимон, қобиғи сиёҳ ранг, этли, эти оч гунафша ёки оч пушти ранг, тиғизлиги ўртача, вазни – 70-90 г. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Уруғ ҳосилдорлиги 0,7-0,75 т/га.



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC

Ушбу буклет Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУваВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82

Факс: (+99871) 220-26-48

Эл. почта: mevaiti@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz

Буриев Х.Ч. – (+99890) 358-38-62,

Абдикаюмов З.А. – (+99890) 946-15-51

Тузувчилар: Буриев Х.Ч., Абдикаюмов З.А., Турабоев А.Н.
Проф. Х.Ч.Буриевнинг умумий тахрири остида

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институти

Томорқа ва фермер хўжаликларида
етиштириш учун тавсия этиладиган
пиёзнинг маҳаллий навлари



Тошкент – 2015